# ИШ НАТИЖАСИГА ҚАРАБ БАҲО БЕРАМИЗ

(Боши 1-бетда).

Ўртачирчиқ туманлари — 88 фоиз, Чиноз тумани — 84 фоиз бажарган.

Корхона ва ташкилотларнинг молиявий аҳволи мураккаблигича қолмоқда. Жорий йилнинг беш ойи якунига кўра вилоятдаги 967 та корхонадан 103 таси зарар билан чиқди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида уларнинг сони бор-йўғи 92 та эди. Бундай корхоналарнинг кўпи Олмалиқ шаҳрида — 10 та, Чирчиқда — 9 та, Янгиободда — 8 та, Қибрай туманида — 5 та, Чинозда — 5 та, Паркентда — 4 та ва ҳоказо.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиб кетишига йўл қўйган Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари ҳокимлари (Ю. Н. Беланов, Д. Т. Азизхўжаев, Ж. Насриддинов), Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ ва Чиноз туманлари ҳокимлари (Р. Каримов, Т. Мирекубов, Э. Бердиев)нинг фаолиятлари қониқарсиз деб баҳоланди. Оҳангарон, Оққўрғон, Бекобод, Бўка, Қибрай туманлари ҳокимларининг бу борадаги иши талаб даражасида эмас, деб топилди.

Вилоят ҳокимининг муовини Й. Тожибоев қишлоқ хўжалигидаги аҳвол ҳақида маъруза қилди.

Вилоят қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштириш ва кўп қиррали иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги Вазирлар Маҳкамасининг 87- ва 88-қарорларини амалга ошириш бўйича ҳам қатор ишлар бажарилган. 70 та давлат хўжалиги мулкчиликнинг бошқа шаклларига, жумладан, улардан 37 таси жамоа хўжаликларига айлантирилди.

Бироқ давлат хўжаликларини мулкчиликнинг нодавлат шаклларига ўтказиш номигагина амалга оширилмоқда. Мулк эгасини топмаган, шартномалар тузилмаган, имзоланган шартномаларда томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганликлари тақдирда жавобгар бўлишлари ҳақидаги бандлар ёзилмаган. Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими ўзгармаган. Бунинг натижасида иқтисодий ислоҳотдан кўзда тутилган туб мақсад — қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тайёрлашни кўпайтиришга эришишда қатор камчиликларга йўл қўйилди.

1994 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан вилоятда гўшт ишлаб чиқариш 3,2 фоиз ёки 2369 тоннага, сут — 4,99 фоиз ёки 3078 тоннага, тухум — 15,6 фоиз ёки 24,4 миллион донага камайиб кетган. Гўшт ишлаб чиқариш Оққўрғон, Юқоричирчиқ, Паркент туманларида 24-34 фоизга кўпайган ҳолда Ўртачирчиқ туманида икки мартага, Қибрайда 40 фоизга ва Оҳангарон туманида 24 фоизга камайиб кетган. Агар сут ишлаб чиқариш Бўстонлиқ, Тошкент ва Қибрай туманларида 4-6 фоиз ошган бўлса, Пискент ва Ўртачирчиқ туманларида 13-20 фоизга озайган.

Янгийўл туманида тухум етиштириш 2,4 марта ошган. Чиноз туманида эса, аксинча 7 мартага, Бўка ва Пискент туманларида 5 мартага камайиб кетган.

Вилоятдаги айрим хусусийлаштирилган фермаларда ҳам негадир чорва моллари маҳсулдорлиги ошмаяпти. Уларга хўжаликлар томонидан тегишли ёрдам берилмаяпти.

Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу йил ҳар бир сигирнинг маҳсулдорлиги Бўстонлиқда 160 кг.га, Ўртачирчиқда 175 кг.га камайиб кетган.

Вилоятда деҳқон (фермер) хўжаликларини ривожлантириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Ҳозир вилоятда 1914 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Уларга жами 25832 гектар ер ажратилган.

Ҳозирги кунда хусусийлаштирилган ферма хўжаликларига жами 11541 гектар ер ажратиб берилган. Аммо Қуйичирчиқ, Пискент ва Янгийўл туманларида хусусийлаштирилган қорамолчилик фермаларига ҳанузгача ер ажратиб берилмаётир. Бундай фермаларни жамоа хўжаликлари шартнома асосида зарур ем-хашак билан таъминлаб келмоқдалар.

Вилоят бўйича фермер хўжаликлари бўйича топшириқлар бажарилган. Лекин, Бўстонлиқ, Паркент, Юқоричирчиқ ва Қуйичирчиқ туманларидаги фермерларнинг биронтаси ҳам "Техчорвасервис" ташкилотлари билан шартномалар тузмаган ва улар мазкур ташкилот дўконлари хизматидан фойдаланмаяптилар.

Маълумки, пойтахт вилояти деҳқонлари Тошкент шаҳри аҳолисини қишин-ёзин мева, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаб келади. Вилоятимиз ва Тошкент шаҳри ўртасида тузилган шартномага мувофиқ шу кунларда пойтахт шаҳар деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркалари ўтказилмоқда. Уларнинг иши то қиш кунларигача давом этади.

Пойтахт аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашдек масъулиятли вазифалар амалга ошириб келинаётган бир пайтда баъзи туманлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари қонунга хилоф равишда четга олиб чиқиб кетилмоқда. Бу шаҳарликлар таъминотини йўлга қўйишда маълум қийинчиликларга олиб келмоқда.

Йиғилишда бундай ҳолларнинг олдини олиш юзасидан вилоятдаги тегишли органлар ва ташкилотларга аниқ топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокимининг муовини А. Раҳимбоев маърузаси умумиқтисодий масалаларга бағишланди.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи ярмида барча кўринишдаги ташкилотлар ва корхоналар ичида нодавлат сектордагиларнинг сони (4211 та) асосий ўринни эгаллади ва 71,4 фоизни ташкил этди. Кичик корхоналар тармоғи ривожланиб, ҳозирги кунда 1506 корхона ишламоқда, бу ўтган йилдагидан анча кўпдир.

Вилоятда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурини амалга ошириш юзасидан ҳам ишлар давом эттирилмоқда. Шу кунгача вилоятда 55та корхона ҳиссадорлик жамиятига, 102 таси фаолияти чекланган жамоага, 259 таси шахсий мулк шаклига айлантирилди. 419 корхонага эга бўлган ташкилотлар хусусийлаштирилди.

Вилоятда қўшимча ишчи ўринлари барпо қилиш юзасидан вилоят ҳокимининг қарори билан қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган ярим йил ичида режадаги 7260 ўрнига 7850 та янги ишчи ўринлари ташкил этилди.

Вилоятда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш борасидаги ишлар суст олиб борилаётганлиги, айниқса, қишлоқ хўжалик ташкилотлари ҳамда айрим туманларда бу борадаги режаларнинг бажарилиши таъминланмаганлиги, мулк шаклини ўзгартирган субъектлар устидан тегишли назорат ўрнатилмаганлиги учун вилоят давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармасининг бошлиғи В. Лозицкий қаттиқ огоҳлантирилди.

Вилоятда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, меҳнат биржалари ишини такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш борасидаги ишлар ҳам қаноатланарли эмас. Вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси, вилоят хусусийлаштириш бошқармаси, вилоят банклари, молия бошқармаси жойлардаги зарар кўриб ишлаётган ҳар бир корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини чуқур таҳлил қилмаганликлари, уларнинг зарар кўриб ишлаши сабабларини жойларга бориб ўрганиб, қолоқликдан чиқиш юзасидан аниқ-равшан таклифлар киритмаганликлари учун қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Мажлисда Оққўрғон тумани ҳокими Н. Бердиқулов, Бекобод тумани ҳокими М. Расулов, Бекобод шаҳар ҳокими Ж. Насриддинов ва Чирчиқ шаҳри ҳокими Д. Азизхўжаевлар ҳисобот бердилар.

Йиғилишда мазкур шаҳар ва туманларда йўл қўйиб келинаётган хато ва камчиликлар рўй-рост айтиб ўтилди.

Йиғилишда вилоят агросаноат уюшмаси (раиси Ш. Норпўлатов) ва мева-сабзавот-узумчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси (К. Шокиров) иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш юзасидан олиб бораётган ишларининг аҳволи қониқарсиз эканлиги таъкидланди. Туман ҳокимлари, вилоят солиқ бошқармаси ва унинг божхона хизмати вилоят ҳудудида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қонунга хилоф равишда четга чиқиб кетиши ҳолларига қатъий чек қўйишлари кераклиги уқтирилди.

***

Иқтисодий ислоҳотнинг моҳияти, — деди вилоят ҳокими М. Б. Икромов йиғилишга якун ясар экан, — бутун халқ хўжалиги мажмуини ривожлантиришнинг янги йўлларини собитқадамлик билан излашдан иборат. Башарти, шундай экан, энг аввало, топширилган иш учун тўла масъулиятни ҳис этиш лозим. Ҳар турли сабаб ва баҳоналарни пеш қилавериш вилоят иқтисодиётини юксалтирмайди.

Сиз билан мана ҳозир халқ хўжалигининг барча соҳаларида жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларини муҳокама, таҳлил қилдик. Кўриниб турибдики, ҳали олдинда амалга оширилмаган ишларимиз жуда кўп. Менимча, энг муҳими танқидлардан жиддий хулоса чиқариб, йилнинг иккинчи ярмида оғир қолоқлик юкини елкамиздан улоқтириб ташлайлик.

Бир нарсани яна эслатиб ўтай. Бундан буён ҳар кимга унинг ишига, иш натижаларига қараб баҳо берамиз.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

# ҲАР КИМ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ ТЎҒРИ БАЖАРСИН!

Куни кеча "Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулоса ва вазифалар ҳақида"ги масалани муҳокама қилган халқ депутатлари Янгийўл тумани Кенгашининг сессияси бўлди.

Ж. Шариповни туман ҳокими этиб тасдиқлагач, депутатлар асосий масалани кўриб чиқишга киришдилар.

Туман ҳокими Президент И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган хулоса ва вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Маълумки, туманда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда барқарорликни таъминлаш, бозор муносабатларига ўтиш даврида аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш борасида маълум ишлар қилинмоқда. Республикамизда рўй бераётган ўзгаришлар табиийки, туманда ўз аксини топаётир. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 февралдаги "Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон фермер хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларини амалга ошириш, чорвачиликни барқарор ривожлантириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Бобур ва Болтабоев номли жамоа хўжаликларида сутни қайта ишлаш цехлари ишлаб турибди. У. Юсупов номли Халқобод ижарачилар ва тадбиркорлар уюшмасида ҳам сутни қайта ишлаш цехи қурилмоқда. "Қовунчи" жамоа хўжалиги ҳудудида эса пишлоқ тайёрлаш цехи қурилиб бўлинди.

Лекин, қилинган ишлар билан бир қаторда талайгина нуқсонлар ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Маърузачи ўз нутқида асосий диққат-эътиборни кўпроқ ана шундай камчилик ва нуқсонларга қаратиб, уларга танқидий баҳо берди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари хусусида тўхталди.

Жумладан, "Чорвадор", "Бўзсув" хусусий фермалари фаолиятига назар ташланса, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг барча турлари бўйича ўтган йилга нисбатан орқага кетишни қандай изоҳлаш мумкин? Бобур номли жамоа хўжалиги фермаси базасида вужудга келган "Чорвадор" хусусий фермаси гўшт етиштиришни ўтган йил ярим йилликка нисбатан 9 центнерга, сут етиштиришни 276 центнерга, Болтабоев номли жамоа хўжалик фермаси базасида вужудга келган "Бўзсув" хусусий фермаси гўшт етиштиришни 4 центнерга, сут етиштиришни 15 центнерга камайтириб юборган. Ушбу нуқсонларнинг бош сабаби фермаларни хусусийлаштириб олган кишиларнинг ишни сусткашлик билан олиб бораётганликлари оқибатидир. Улар ўзларига ажратилган ер майдонларидан унумли фойдаланмайдилар. Баъзан озуқа экинлари ўрнига бошқа қишлоқ хўжалик экинлари экиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Умуман, туманда чорвачилик соҳасида йилдан-йилга ўсиш ўрнига орқага кетилаётганлиги ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Гўшт ва тухум етиштириш борасида ўсишга эришилган. Бироқ сут етиштириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 73,6 тоннага камайди. Қорамоллар сони 893 бошга, сигирлар 77 бошга камайган.

— Ҳозир туманимизда 306 деҳқон (фермер) хўжаликлари мавжуд бўлиб, шундан 11 таси чорвачилик билан шуғулланмоқда,— деди Ж. Шарипов.— Уларга 80 гектар ер майдони ажратилган, фермер хўжаликларида 264 бош қорамол, жумладан, 56 бош сигир, 49 бош қўй ва эчки, 16 бош от ва паррандалар мавжуд.

Лекин, айрим хўжаликлар раҳбарлари деҳқон (фермер) хўжаликлари фаолиятини яхшилашда уларга яқиндан ёрдам кўрсатмаяптилар. Жумладан, айрим хўжаликлар ва фермер хўжаликлари ўртасида шартномалар тузилмаган, уларга моддий ёрдам кўрсатилмаган. Шу туфайли чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кишини қувонтирмайди.

Шунингдек, маърузачи туманда дон, пахта, сут маҳсулотлари бўйича давлат буюртмаларининг бажарилиши ҳақида тўхталди.

Жорий йилда туман пиллакорлари режадаги 115 тонна ўрнига 95,0 тонна пилла топширишди. Атиги 3 та хўжаликда ("Тинчлик", "Озод", "Янги ҳаёт" жамоа хўжаликларида) пилла режаси бажарилди, холос. Айни кунларда ўриш, янчиш техникаларининг мавсумга пухта тайёрланмаганлиги, иш яхши ташкил этилмаганлиги туфайли бошоқли дон экинларини йиғиштериб бориш суст бормоқда. Бу эса пишиб етилган бошоқлар ҳосилини йўқотиш деган гапдир. Ҳар бир раҳбар бунга йўл қўймаслиги, давлат буюртмасини бажариш шарт эканлигини унутмаслиги керак.

Қишлоққа саноатнинг дадил кириб келиши — бу давр талабидир. Туманда бу борада ҳам маълум ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг бошида Янгийўл шаҳри иқтисодий соҳаларда ҳамкорлик қилиш, шаҳардаги йирик саноат корхоналарининг туманда филиал цехларини барпо этиш борасида битим тузилди.

1994 йил биринчи чорагида 4 та халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи цех ва қўшма корхона очиш кўзда тутилган. Бу билан 250 та ишчи ўрни очилади деган гап эди. Лекин, шу кунгача биророта линия ишга туширилмади. Бу ишларга масъул раҳбарлар нимани кутиб ўтирибдилар? Бугунги кун талабига жавоб бера олмайдиган, қишлоқда ислоҳотни амалга ошира олмайдиган уқувсиз раҳбарлар ўз лавозимларида қолиши мумкин эмас. Чунки, иқтисодий ислоҳотнинг пировард натижалари уларнинг тадбиркорликлари, изланувчанликларига боғлиқдир.

Маъруза юзасидан муҳокамада сўзга чиққан туман ҳокимининг биринчи муовини Ғ. Бўрибоев, "Янгийўл" агрофирмаси раҳбари У. Абдужабборов, "Тадбиркорбанк" туман бўлими бошқарувчиси К. Бекназаров, "Бўзсув" хусусий фирмаси раҳбари А. Жўраев, Янгийўл тумани деҳқон (фермер) хўжаликлари уюшмаси раиси И. Назаров, фермер М. Солиевлар ҳам ўз ишлардаги тажрибалар билан ўртоқлашдилар, муаммоларни ўртага ташладилар.

— Республикамиз Президенти И. А. Каримов халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида шундай деди: "Ҳар ким ўз нонини ҳалол топса, ўз вазифасини тўғри бажарса, республикамиз мустақиллиги мустаҳкамланиб келажаги буюк давлатлар қаторидан ўрин олади",— деди сессияда сўзга чиққан вилоят ҳокимининг биринчи муовини Э. Рўзиев. У туман меҳнаткашлари иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасида қилаётган ишлар ва йўл қўйилаётган камчиликларни рўй-рост кўрсатиб ўтди.

Янгийўл туманида 1994 йилнинг биринчи ярим йиллик якуни бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш суръати эса 28,1 фоизга ўсди. Булар яхши, албатта. Лекин, халқ хўжалигини ривожлантиришнинг бор имкониятлари тўла ишга солинмаётганлиги оқибатида иқтисодий аҳвол ёмонлашиб бораяпти. Туманда истеъмол бозорини тўлдириш маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун катта имкониятлар беради. Лекин улардан самарали фойдаланилмаяпти. Масалан, биргина қўшма корхоналар барпо этишни оладиган бўлсак, ярим йилликда ишга туширилиши режалаштирилган қурилиш цехи, пахта заводидаги 168 ўринли иш жойлари, 60 киши ишлайдиган "Узун" қўшма корхонасини фойдаланишга топшириш чўзилиб кетмоқда.

Туманда кейинги пайтларда ижтимоий объектлар бўйича қурилиш ишлари умуман тўхтаб қолди. Уй-жой қуриш ишлари ҳам сусткашлик билан олиб борилмоқда. Уй-жойга муҳтожлар эса туманда анчагина. Шундан сўнг чорвачиликдаги аҳвол ҳам батафсил таҳлил этилди.

Дарҳақиқат, вилоят ҳокимининг биринчи муовини таъкидлаганидек, бундан буён эскичасига ишлаш мумкин эмас. Сессияда билдирилган жуда кўп яхши таклиф ва мулоҳазалар қоғозда қолиб кетмаслиги, ҳаётда ўз ижросини топиши зарур. Президентимизнинг Тошкент шаҳар сессиясида сўзлаган нутқи ҳар биримиз учун сабоқ бўлиши, вазифалардан ҳар биримиз тегишли хулосалар чиқаришимиз, айниқса, ҳар бир раҳбар ишга янгича масъулият, эътибор билан ёндошмоғи лозим.

Сессияда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими А. Э. Маматов иштирок этди.

**З. ЖЎРАЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" махсус мухбири.**



*Бундан 20 йил олдин Тошкент туманидаги Тўлаганов номли 7-мактабни битирган собиқ синфдошларнинг учрашуви ҳаяжонли ва мазмунли ўтди. Эндиликда халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган синфдошлар шу куни яна бир бор ўз устозларининг ўгитларига қулоқ тутдилар, шахсий ҳаётлари, жамиятимиздаги ўзгариш ва янгиликлар хусусида дилдан суҳбатлашдилар.*

*Суратда: собиқ ўқитувчи ва ўқувчиларнинг бир гуруҳи.*

**Н. МУҲАММАДЖОНОВ** суратга олган.

## ФЕРМА УЧУН АВТОБУС

ОҲАНГАРОН туманидаги "Ангрен" жамоа хўжалигининг сут-товар фермасига махсус автобус ажратилди. Энди узоқ-яқинда яшовчи ферма ходимлари ишга автоуловда бориб, уйларига автоуловда қайтишади.

Умуман олганда фермада янгиликлар кўп. Аввало, мол боқиладиган бинолар, бузоқхоналар қайта таъмирланди, сут соғувчи ва молбоқарлар дам оладиган хоналар янгитдан жиҳозланди. Ҳовли саҳнида гулзор ташкил этилиб, катта ҳажмдаги ободонлаштириш ва тозалик-санитария ишлари амалга оширилди.

Сут соғувчилар меҳнатини рағбатлантириш, айниқса, яхши натижалар бермоқда. Агар илгари У. Назарова, А. Бўрибоев, Ш. Ирисбекова сингари сут соғувчилар ўз боқимларидаги сигирлардан кунига 5-6 литрдан сут соғиб олишган бўлса, бу кўрсаткич ҳозирги кунда 8-10 литрни ташкил этмоқда. Молбоқарлар ишга ихлос қўйиб меҳнат қилмоқдалар.

— Ўтган қиш биз учун жиддий сабоқ бўлди,— дейди ферманинг янги мудири Ғ. Исматиллаев.— Етарли миқдорда ем-хашак жамғарилмаганлиги оқибатида катта қийинчиликлар рўй берди, чорва моллари маҳсулдорлиги кескин камайиб кетди. Бу йил ўтган хатоларни такрорламаслик учун ҳаракат қиляпмиз, қишқировли кунларга ҳозирдан тайёргарлик кўряпмиз. Ҳозиргача 500 тоннадан зиёд хашак, 700 тоннага яқин сенаж, 100 тоннадан кўпроқ табиий пичан жамғариб қўйдик.

Лекин бу ишнинг бошланиши, холос. Имкониятлар ҳали кўп. Гуркираб ўсаётган маккажўхори пайкаллари, учинчи ўримга келиб қолган бедапоялар ва лавлагизорлар ана шундай озуқалар маконидир.

**Т. ШЕРАЛИЕВ.**

## • Тадбиркорлик — давр талаби

# МАРМАРГА САЙҚАЛ БЕРИБ...

1991 йилда Олмалиқ тоштарошлик комбинатидан ажралиб чиққан Оҳангарон тошга ишлов бериш корхонаси қаддини тезда ростлаб олди. Завод тобора кучга тўлиб бормоқда. Бу ерда сайқалланган мармар ва гранит тошлари бугун республикадаги ўнлаб шаҳар-қишлоқларда қад кўтарган биноларда жилоланиб турипти. Жамоатчи мухбиримиз завод директори Мансур Ҳамдамович ХУДОЙҚУЛОВ билан бозор иқтисодига ўтиш даври машаққатлари, истиқбол хусусида суҳбатлашди.

**— Мансур Ҳамдамович бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхонадан ажралиб чиқиб, мустақил хўжалик юритишга ўтиш осон кечмагандир.**

— Жуда тўғри гапни айтдингиз. Ўзимиз иш юритишнинг янги босқичига ўтишда жуда қийналган бўлардик. Бу ерда ёрдамга муҳтож эдик, албатта. Уни тезда ҳис қилдик. Республика бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш концерни ва Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги дарҳол амалий ёрдамга келишди. Шу туфайли иш тезда силжиб кетди. Бундан тоштарошлар миннатдор бўлдилар. Бугунги кунда заводни иқтисодий юксалтириш учун катта имкониятлар очилган.

**— Бугун режа деган тушунча назаримда саноатда ҳамон ўз кучини йўқотгани йўқ. Бу давр тақозосидир. Бундан ташқари ишлаб чиқаришда аниқ бир мақсад ҳам бўлиши керак, албатта.**

— Биз имкон даражасида режа тузиб уни бажариш пайида бўляпмиз. У кўп жиҳатдан буюртмалар асосида белгиланади. Режасиз иш бўлиши мумкин эмас. Аниқ режа бўлмаса ишда маром бўлмайди. Ўтган йили 30 минг квадрат метрдан зиёд мармар ҳамда гранит плиталари ишлаб чиқардик. Ўсиш олдинги йилдагига нисбатан саккиз фоиз ошди. Рентабеллик 25 фоизга етди.

**— Оҳангаронда мармар ёки гранит тошлар кони йўқ, лекин, тошга ишлов бериш корхонаси мавжуд. Бу тасодифми ёки!..**

— Оҳангарон водийсида конлар йўқ эмас, бор, ҳатто кўп ҳам. Шавазсойда, Оқчада қимматбаҳо тошлар кони топилган. Лекин бу ҳудудларда қимматли бинокорлик материаллари қазиб чиқариш йўлга қўйилмаган. Вақти келиб улар ишга тушадилар. Ҳозирча узоқроқдан олиб келишга мажбур бўлаяпмиз. Бундай хом ашё Самарқанддан келтирилаяпти. Биринчи гуруҳ тош блокларининг баҳоси 700 баробар ошди. Тош йўнувчи олмос юз баробар қимматлашди. Олмос,асбоб-ускуналарни маҳсулот айирбошлаш усули билан Москва ва Алматидан минг машаққатлар билан олаяпмиз.

Яқинда Москвадан тош тарашлаш ускуналарининг бутун бир мажмуини келтирдик. Соф даромад ҳисобига қурилган цех биносида учта ишлаб чиқариш линиясини йўлга қўймоқчимиз. Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводида концернимиз буюртмаси билан иккита линия учун асбоб-ускуналар тайёрланаяпти. Москвага пул ўтмай қолгач заводга буюртма бердик.

**— Гапингизга қараганда завод қуввати янада ошаркан-да!**

— Албатта. Уч баробар ошади. Битта линияни ўз кучимиз билан монтаж қилдик. Қолган иккитаси концерн кўмагида ўрнатилади. Мўлжалимиз янги қувватларни 1995 йилга бориб тўла ишга тушириш. Шунда қўшимча 35 киши иш билан таъмин этилади.

Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейишади. Хом ашё нархи ошгач унга мослашишга мажбур бўларкансан. Шу сабабли плиталарга янги нарх қўйишга мажбур бўлдик. Ҳозир бир квадрат метр силлиқланган мармарнинг давлат баҳоси 17 минг, гранитники эса 30 минг сўм туради. Маҳсулотнинг 70 фоизини давлат буюртмаси, қолганини шартнома асосида сотамиз.

Даромаднинг асосий қисми шартнома бўйича сотилаётган маҳсулотлардан келади. Ёдгорлик ва тегирмон тошлари учун ҳам буюртмалар қабул қиламиз. Истеъмолчиларга кенг истеъмол молларидан мармар ушоғи етказиб бераяпмиз. Афғонистонда ҳалок бўлган байналминал жангчилар хотирасига Оҳангарон шаҳрида ўрнатилган ёдгорлик қурилишига 340 квадрат метр мармар ва гранит плиталарини соф даромад ҳисобидан хайрия тариқасида бердик. 1941 — 1945 йил урушида ҳалок бўлган оҳангаронлик жангчиларнинг исм-фамилиялари ўйиб ёзилган мармартошни ҳам бепул тайёрлаб бердик.

**— Эскилар бежиз олтин олма, дуо ол, дейишмаган.**

— Савоб ишларга не етсин. Заводимиз эндигина оёққа турмоқда. Биз асосий эътиборни ишлаб чиқаришни юксак даражада ташкил этишга, ишчиларни моддий рағбатлантиришни кучайтиришга қаратаяпмиз. Асбоб-ускуналарни синдирмай режани ошириб бажарганлар ойлик маошларига қўшимча 20 фоиз қўшимча пул оладилар. Агар ишчи йиллик меҳнатида узилиш бўлмаса ўн учинчи маошга қўшимча яна бир ойлик иш миқдорида мукофот олади. Заводимизда ҳамма нарса тежашга ва режани бажаришга қаратилган.

**— Илғорлар сифатида кимларни алоҳида кўрсата оласиз?**

— Василий Овчинников, Мария Федорова, Клара Кирпичникова. Бу номларни санайвериш мумкин. Бизда қолоқларнинг ўзи йўқ. Лидия Кушнерова, Валентина Ти, Абдуқодир Шоназаров, Муҳиддин Ҳайдаров, Алфия Сергеевалар ҳам имконият даражасида меҳнат қилмоқдалар.

Шу ерда бир фикримни билдирмоқчи эдим. Ҳозир ҳаммага, шу жумладан саноат корхоналари жамоаларига ҳам осон эмас. Собиқ иттифоқдош республикалар билан иқтисодий алоқаларнинг деярли барбод бўлганлиги кутилмаган муаммоларни юзага келтирди. Ўйлайманки, МДҲ давлатлари раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган кенгаши ва унда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш назарда тутилган ҳужжатнинг қабул қилиниши келажакка ишонч билан қарашга асос бўлади. Бунинг устига тадбиркорликни янада кучайтириш йўлидан қатъий боришимиз лозим. Шулар туфайли ҳозирги қийинчиликларни бартараф этиш мумкин.

**А. НАВРЎЗОВ** суҳбатлашди.

## • Истеъмол буюмлари ўзимизда чиқяпти

# РОССИЯДАН ЭМАС, БЕКОБОДДАН...

Ўзбекистон металлургия заводида республикамиз аҳамиятига молик темир соққалар ишлаб чиқариш станининг биринчи навбати ишга тушди. Эндиликда мамлакатимиздаги олтин кони хизматчилари, цемент комбинати жамоалари, маъдан билан ишловчи корхоналар темир соққаларни Россиядан эмас, Бекободдан оладиган бўлишди.

Янги станнинг лойиҳа қуввати 100 минг дона. Бу ерда 40, 65, 80 ҳажмдаги (ўлчамдаги) темир соққалар тайёрланади. Куни кеча 71 тонна маҳсулот Олмалиқ тоғ металлургия комбинати жамоасига етказиб берилди.

Янги қувватдан дастлабки маҳсулот олишда стан бошлиғи Суннатилла Бадалов, бригадир бошлиғи Акбар Одилов ва оператор Дмитрий Федотовларнинг хизмати катта бўлди.

Бекобод металлургия заводи Олмалиқ, Навоий ҳамда республикамизнинг бошқа вилоятларидан буюртмалар қабул қилмоқда.

# ФИРМА ДЎКОНЛАРИГА

Ўзбекистон металлургия заводида сўнгги йилларда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга катта эътибор билан қаралмоқда. Илгари биргина халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш цехида уй-рўзғор учун сирланган идишлар тайёрланар эди. Энди-чи... барча цехлар бу соҳада дастлабки қадамларни қўйдилар.

Заводнинг ўндан ортиқ асосий цехларида 100 га яқин халқ истеъмол буюмлари тайёрланмоқда. Сирланган идиш-товоқлардан ташқари турли ўлчамда қурилиш учун михлар, газ плиталари қурилмалари, йиғма ўриндиқлар, чўян панжаралар, сўрилар, пойабзал таъмирлаш мосламалари, болға, хуллас, рўзғорга зарур анжомларни тайёрлаш ўзлаштириб олинган. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайгач уни халқимизга етказиб бериш муаммоси ҳам осонгина ҳал этилди. Жойларда фирма дўконларини ташкил этиш йўли билан республикамиз аҳолисининг бу буюмларга бўлган талаб-эҳтиёжлари ҳам қондирилмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон Республикасининг вилоят ва шаҳарларида Бекобод металлургия корхонасининг ўнга яқин фирма-дўконлари ишлаб турипти. Андижоннинг Шаҳрихон, Хоразмнинг Урганч, Фарғонанинг Қўқон шаҳарларида очилган завод фирма дўконлари халқ истеъмол моллари билан савдо қилмоқда. Маҳаллий аҳоли талаб ва истаклари ўрганилиб, зарур маҳсулотлар ўша ерларга юборилмоқда.

Яқинда Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги "Кадан" қўрғонида ҳам завод фирма дўкони халққа хизмат қила бошлади. Қўшробод туманида эса бундай савдо нуқтаси фаолият кўрсатаётганига бир йилдан ошди.

Куни кеча корхонанинг халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қувурларни пайвандлаш, электр таъмирлаш, 1-2-таъмирлаш-механика цехлари меҳнат жамоалари тайёрлаган маҳсулотлар фирма дўконларига жўнатилди.

**Турсунали УСМОНОВ,**
**"Металлург минбари" газетаси мухбири.**

